

Тошкент кимё-технология институти
“Саноат экологияси” кафедраси мудири Ф.Б.Игитов,
Т.Р. Абдурашидов номидаги «Юқори молекулали бирикмалар ва
пластмассалар технологияси» кафедраси
профессори т.ф.д. А.Б.Жўраевларнинг Россия Федерацияси Томск
политехника университетидида бўлиб ўтган хизмат сафари бўйича

ҲИСОБОТИ

Тошкент кимё-технология институти ректорининг 2023 йил 6 июндаги №215 сонли буйруғи ҳамда Томск политехника миллий тадқиқот университетининг таклиф хатига асосан, “Саноат экологияси кафедраси мудири Игитов Фаррух Бахтиярович, Т.Р. Абдурашидов номидаги «Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси» кафедраси профессори Жўраев Асрор Бахтиёровичлар, илмий, ўқув-услубий йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, ҳорижий тажрибани ўрганиш ҳамда, илмий лабораториялар билан танишиш мақсадида, 2023 йил 23 июндан 2 июлгача Томск политехника миллий тадқиқот университетидида хизмат сафаридида бўлишди.

Хизмат сафари давомидида миллий тадқиқот университетининг тузилиши, ўқув жараёни, моддий техник базаси билан танишилди.



Бакалавр, магистр ва илмий ходимлари ва замонавий таҳлил ускуна ва жихозлари (УФ, ЯМР, Структур спектрлар, масс-спектр, ГПХ, ГЖХ анализлар, экструдер, 3D-принтер, мустаҳкамликни аниқловчи жиҳоз ва бошқалар) дан фойдаланиб, илмий тадқиқот ишларини амалга ошираётганликлари ўрганилди. Шу билан бирга ушбу муассасада тиббиётда онкология соҳасидидаги касалликларни даволовчи фаол


функционал сегментлар олиш бўйича кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борилаётганлиги маълум бўлди.



Шу билан бирга университет қошида йирик илмий техник кутубхона ташкил қилинган экан, ушбу кутубхонада барча талаба ва илмий ходим ва ўқитувчи-профессорлар 9:00 дан 20:00 гача фойдаланиш имкониятига эга экан, барча шарт шароитлар яратилган.



Биз сафар давомида “Сибур” лойихаси бўйича ташкил этилган малака ошириш курсларида қатнашдик. “Сибур” лойихаси 3 та модулдан иборат бўлиб, 1 модул 5 ҳафта, 2 модул 3 ой ва 3 модул 3 ҳафта. Ҳар бир модулда 5 тадан фанлар бўлиб, дарс машғулотлари етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади.



Малака ошириш курсида қатнашувчи тингловчилар курс сўнгида, ўзига берилган топшириқни бажариб, ўз корхонасидаги бирор бир муаммони ечимини таклиф қилиш билан яқунлайди. Хизмат сафари натижасида “Современный статический анализ в ХТ” номли 20 соатли курсни тамомладик ва тегишли сертификатни олдик.



Сафар давомида ишлаб чиқариш корхоналари ҳодимлари учун (Ўзбекистон, Россия, Италия) давлатлари билан ҳамкорликда мақсадли ўқув курсларини ташкил қилиш бўйича музокаралар олиб борилди ва тегишли дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди.



Target profile aims: Intensive development of engineering expertise of employees in accordance with international training standards as part of the expert work

Terms of study: 10 months, one week per month of intensive courses

Who are the partners: TPU (Russia), Polimi (Italy), TICP (Uzbekistan)

The target audience: Process engineers, Technologists of installations / productions; Heads of installations, shift supervisors; Experts and Chief Experts of the GI service; Operators of the main production

Expected results:

- development of engineering and chemical expertise within the company
- set and implementation of solutions for optimizing and automating processes

Module	Duration	Content
Pre-module	1 month	<ul style="list-style-type: none"> Base of chemical and technological processes (material balance, heat balance, Construction and reading of technological scheme)
1 module	3 months	<ul style="list-style-type: none"> Chemical technology of inorganic substances / Chemical technology of organic substances Machines and apparatus for the processing of mineral raw materials / Reactor equipment in the petrochemical industry Mineral fertilizers / Chemistry and physics of polymers Ecology Artificial intelligence, neural networks and machine learning Modern statistical technologies for preparing big data System analysis and project management Benchmark Analytical control in production Automated process control systems Engineering and Science English
2 module	5 months	<ul style="list-style-type: none"> Simulation of chemical processes in the software package Aspen HYSIS (or other program) System analysis and improvement of energy efficiency of chemical enterprises Industrial catalysis Automated process control systems Modeling of chemical reactions and applied kinetics Optimization of chemical and technological processes Technosphere safety Economic Analysis and Process Control Systems Engineering and Science English
3 module	1 month	<ul style="list-style-type: none"> Dynamics and control of chemical processes Chemical plants / Process Plants Process systems engineering New technology frontiers in gas production, transportation and processing / Computational fluid dynamics of reactive flows

!!! A single electronic platform for the program!

Хизмат сафари натижасида, Тошкент кимё-технология институти билан Томск политехника миллий тадқиқот университети келажакда илмий-тадқиқот, илмий-услубий ишларда ҳамкорликни янада кенгайтириш, малака ошириш курслари бўйича модульни онлайн тарзда икки институт олимлари ўртасида муҳокама қилиш ва шу соҳадаги ишларни биргаликда бажаришга келишиб олинди.

“Саноат экологияси” кафедраси
муdiri

Ф.Б.Игитов

**ЮМБПТ кафедра
профессори, т.ф.д.**

А.Б.Жўраев